O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
INV.№




# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: xalksuzi@uzpak.uz ● 2004 йил 8 сентябрь № 190 (3465) Чоршанба


*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг*

*ҚАРОРИ*

## Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг илмий ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида

***Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг илмий ва моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:***

1. Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 60 йиллигини нишонлаш тўғрисида" 2003 йил 28 октябрдаги 470-сон қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси, "Даврхитекткурилиш" қўмитаси, Фанлар академияси иштирокида тузилган махсус комиссия томонидан Фанлар академиясининг асосий фондлари хатловдан ўтказилганлиги ҳамда сотиладиган ва ҳисобдан чиқариладиган мол-мулкнинг рўйхати белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг кўчмас мулк биржаси орқали белгиланган тартибда сотиладиган объектлари рўйхати тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси икки ой муддатда махсус комиссия томонидан хатловдан ўтказиш натижаларига кўра аниқланган мол-мулкни ҳисобдан чиқариш ва сотиш билан боғлиқ чора-тадбирлар белгиланган тартибда амалга оширилишини таъминласин.

2. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг муассасалари объектларни, шунингдек хатлов натижаларига кўра аниқланган приборлар, асбоб-ускуналар ва бошқа моддий бойликларни сотишдан оладиган тушумлар бўйича даромад (фойда) солиғи тўлашдан озод қилинсин, тушадиган маблағлар Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга, биринчи навбатда, илмий-техника ва лаборатория асбоб-ускуналари харид қилишга мақсадли йўналтирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тушадиган маблағлар Фанлар академиясининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун йўналтирилган ҳолда мақсадли фойдаланилиши устидан назорат ўрнатсин. Маблағлардан бошқа мақсадларда фойдаланиш ҳоллари аниқланган тақдирда бошқа мақсадларда фойдаланилган маблағлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бюджет даромадига олиб қўйилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда 2005 йилдан бошлаб Фанлар академиясининг объектларини қуриш ва реконструкция қилиш лойиҳаларини уларнинг устуворлигидан келиб чиқиб ҳамда ҳар йили ажратиладиган капитал қўйилмалар лимитлари доирасида Ўзбекистон Республикасининг инвестиция дастурига киритиш тўғрисида Фанлар академиясининг таклифларини белгиланган тартибда кўриб чиқсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2004 йилда ва кейинги йилларда тасдиқланадиган бюджет параметрлари доирасида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясига:

экспериментал ер участкаларига ишлов бериш учун зарур трактор техникаси, Фанлар академиясининг тадқиқот муассасалари томонидан сейсмологик, биологик, археологик, геологик-геофизик илмий экспедициялар ўтказиш учун махсус ва юк автотранспорти харид қилиш;

Фанлар академиясининг илмий-тадқиқот муассасалари бинолари, иншоотлари, муҳандислик-коммуникация тармоқларини мукаммал таъмирлаш;

замонавий лаборатория асбоб-ускуналари, приборлар ва фан эҳтиёжлари учун ядро ёқилғиси харид қилиш учун маблағ ажратишни назарда тутсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологиялар маркази Фанлар академияси ва Молия вазирлиги билан биргаликда Фанлар академиясининг миллий бойлик ҳисобланган нодир илмий қурилмалари, махсус объектлари ва иншоотлари, музейлари ва кутубхоналари таъминотига ҳар йили зарур маблағлар ажратишни назарда тутсин.

6. Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологиялар маркази Фанлар академиясининг илмий-тадқиқот муассасаларини замонавий илмий-техника асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш учун грантлар, хорижий мамлакатлар, халқаро ташкилотлар ва молиявий ташкилотларнинг беғараз ёрдамини жалб қилишда Фанлар академиясига кўмаклашсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Азизхўжаев зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2004 йил 7 сентябрь.



## ЁШЛИК ВА СПОРТ БАЙРАМИ

*7 сентябрь куни Самарқандда "Универсиада — 2004" спорт ўйинлари ниҳоясига етди*

Тўрт кундирки, Самарқандда спорт ва ёшлик байрами. Универсиада ўйинлари — ёшларга хос шижоат, жўшқинлик гўё кўҳна шаҳарни яшартириб юборгандай. Муҳташам бинолар, рангин байроқлар, кўзни қувнатувчи гулзорлар шаҳар ҳуснига ҳусн қўшган.

Бутун мамлакат ёшларини Самарқандда учраштирган, дўстлаштирган, беллашувларга чорлаган "Универсиада — 2004" мусобақалари якунига етди.

Юртбошимиз ташаббуси билан вужудга келган "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва "Универсиада" ўйинлари ёшларимиз ҳаёт тарзининг ажралмас қисмига айланиб бормоқда.

Ёшлик ва гўзаллик, спорт ва санъат кўригига айланган бу беллашувлар Ўзбекистон фарзандларининг келажак сари ташлаган дадил қадамидир. Зеро, спорт инсонни нафақат жисмоний, балки маънавий камолотида ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Бу улкан спорт байрами муносабати билан вилоятда мустаҳкам спорт базаси яратилди.

Тўрт кун давомида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан келган талаба ёшлар спортнинг ўн тўрт тури бўйича беллашдилар. Мусобақалар нафақат бу қадим шаҳарда, балки вилоятнинг Жомбой ва Тайлоқ туманларидаги замонавий спорт иншо-

(Давоми 2-бетда).

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Мустақиллик куни муносабати билан Сизни, ҳукуматингиз ва бутун Ўзбекистон халқини самимий қутлаш менга ғоят катта мамнуният бахш этади.

Ҳозирги авлод — қашшоқликни тугатиш учун зарур билимлар, технологиялар ва захираларга эга бўлган биринчи авлоддир. Бунинг учун бизда тайёр мақсадли ҳужжат — Минг йиллик декларацияси мавжуд. Шунингдек, бизда БМТ сингари ташкилотлар ҳам борки, улар бу ишда ёрдам беришга тайёрдирлар. Келинглар, асримизни таҳдидлар давригина деб эмас, балки биз узоқ вақт интилиб келган мақсадларга эришиш учун янги имкониятлар даври деб ҳам қабул қилайлик. Келинглар, айни шундай ғайрат билан ишга киришайлик ҳамда мана шу муҳим ташаббус учун зарур бўлган сиёсий ирода ва захираларни сафарбар этайлик.

Тараққиёт ва тинчликни қўлга киритишдан иборат муштарак жаҳоншумул миссияни адо этишда Ўзбекистон ҳукумати ва халқи билан яқин ҳамкорлик давом этишига астойдил ишонаман. Сиз учун бағоят шонли бўлган Миллий байрам муносабати билан энг эзгу тилакларимни қабул этгайсиз.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак эҳтиромимни лутфан қабул қилгайсиз.

**КОФИ АННАН,**
**Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби.**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни муносабати билан Кувайт халқи ва шахсан ўз номимдан Сиз, Жаноби Олийларини муборакбод этишдан бағоят мамнунман.

Сиз, Жаноби Олийларига сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат, дўст халқингизга эса доимий тараққиёт ва фаровонлик тилайман.

**ЖОБИР АЛ-АҲМАД АС-САБОҲ,**
**Кувайт Давлати Амири.**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Мамлакатингизнинг Мустақиллик куни муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига Бирлашган Араб Амирликлари халқи, ҳукумати ва шахсан ўз номимдан эзгу тилаклар ва ғоят самимий қутловларни изҳор этиш менга катта мамнуният бахш этади.

Сиз, Жаноби Олийларига улкан бахт, мамлакатингизнинг биродар халқига эса ҳар томонлама равнақ тилайман.

Ғоят юксак мамнуният ва эҳтиром ила,

**ЗОИД БИН СУЛТОН АН-НАҲАЁН,**
**Бирлашган Араб Амирликлари Президенти.**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Президент Жаноби Олийлари,

Ўзбекистон Республикасининг Миллий байрами муносабати билан Сурия халқи ва шахсан ўз номимдан Сиз, Жаноби Олийларига ҳамда дўст ўзбек халқига самимий қутловлар йўллаш менга мамнуният бахш этади.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизга сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат, Ўзбекистон халқига эса тараққиёт ва равнақ тилайман.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган чуқур эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

**БАШАР АЛ-АСАД,**
**Сурия Араб Республикаси Президенти.**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ўзбекистон Республикаси Миллий байрами нишонланиши муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига ўз номимдан ҳамда Тунис ҳукумати ва халқи номидан самимий табрик ва эзгу истакларни изҳор этишдан ғоятда бахтиёрман.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизга мустаҳкам соғлиқ ва бахт-саодат, биродар ўзбек халқига доимий тараққиёт ва равнақ тилайман.

Шунингдек, Сизга қардош халқларимиз манфаатларига хизмат қилувчи мамлакатларимиз ўртасидаги мавжуд биродарлик ва ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантиришга бўлган муштарак рағбатимизни билдиришдан мамнунман.

**ЗАЙНУЛОБИДИН БИН АЛИ,**
**Тунис Республикаси Президенти.**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракатуҳу!

Мамлакатингизнинг Мустақиллик куни муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига Саудия Арабистони Подшоҳлиги халқи, ҳукумати ва шахсан ўз номимдан самимий табриклар ва эзгу истакларни изҳор этишдан ғоят мамнунман. Сиз, Жаноби Олийларига сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, биродар Ўзбекистон халқига эса тараққиёт ва равнақ тилайман.

Ушбу фурсатдан фойдаланиб, мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги дўстона алоқаларни мадҳ этишдан мамнунлигимни билдираман.

Камоли эҳтиром ила,
Биродарингиз

**ФАҲД БИН АБДУЛАЗИЗ АС-САУД,**
**Икки муқаддас масжид ходими, Саудия Арабистони Подшоҳи.**

(Давоми 2-бетда).

*Сайловолди тадбирлари*

### Партия етакчилари журналистлар билан учрашди

Кеча Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти қошидаги «Парламент журналистикаси клуби»нинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда шу йил декабрь ойида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига бўлиб ўтадиган сайловларда «Фидокорлар» миллий демократик партиясининг сайловолди платформаси, сиёсий, иқтисодий, маърифий ва партиянинг бошқа дастурлари, жумладан, унинг сайлов пайти ва сайловдан кейинги стратегик ва тактик вазифалари ҳақида фикр-мулоҳазалар бўлиб ўтди. Клуб йиғилишида «Фидокорлар» миллий демократик партияси Марказий кенгаши котиби, партиянинг парламентдаги фракцияси раҳбари ўринбосари, Олий Мажлис депутати Ш. Умарова ва партиянинг бошқа етакчилари оммавий ахборот воситалари ходимлари саволларига жавоб қайтардилар.

Мазкур йиғилиш «Парламент журналистикаси клуби» доирасида ташкил этилган тадбирларнинг тўққизинчисидир. Кейинги йиғилишларнинг мавзулари ҳам бошқа партиялар сайловолди платформалари, ОАВни демократлаштириш, сайлов технологиялари, тарғибот ва реклама каби масалаларга бағишланиши мўлжалланмоқда.

**Ўз мухбиримиз.**

## ЕХҲТ БОШ КОТИБИ ЎЗБЕКИСТОНДА

***ТОШКЕНТ (ЎзА мухбири Фазлиддин АРЗИЕВ).***

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХҲТ) Бош котиби Ян Кубиш раҳбарлигидаги делегация Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Содиқ Сафоев билан учрашди.

Учрашувда Ўзбекистон ва ЕХҲТ ўртасидаги алоқаларнинг бугунги аҳволи ва истиқболи, ўзаро қўшма лойиҳаларни амалга ошириш, ташкилотни жаҳонда рўй бераётган воқеалардан келиб чиққан ҳолда ислоҳ қилишга оид масалалар борасида сўз борди.

Мамлакатимизда шу йил декабрь ойида бўлажак парламент сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда ЕХҲТнинг Ўзбекистон билан ҳамкорлиги борасида ҳам фикр алмашилди. Ян Кубиш икки палатали парламентнинг жорий этилиши Ўзбекистонда демократик жамият қуриш йўлидаги муҳим қадам эканлигини алоҳида таъкидлади.

Меҳмон Ўзбекистон раҳбари Ислом Каримов томонидан илгари сурилган Марказий Осиё умумий бозорини барпо этиш борасидаги ташаббусга юқори баҳо берди. Ян Кубишнинг таъкидлашича, бу билан нафақат ягона минтақавий бозор ташкил этилади, балки хориж сармоясини кўпроқ жалб этиш учун янги имкониятлар ҳам очилади.

## Тадбиркорлик ўқишлари

***ТОШКЕНТ /ЎзА мухбири Б.ХИДИРОВА/.***

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши ҳузуридаги Ёшлар бизнес мактабида Сирдарё ва Жиззах вилоятидан келган ёш иқтисодчилар иштирокида семинар-тренинг бўлиб ўтди.

Тингловчиларга бир ҳафта мобайнида бозор иқтисодиёти шароитида иш юритиш, истиқболли бизнес режа тузиш ва амалда қўллаш, тадбиркорликни йўлга қўйиш учун қулай имкониятларни аниқлаш йўллари, банкдан кредит олиш ва ундан самарали фойдаланиш усуллари ҳақида батафсил маълумотлар берилди. Тадбир "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Тошкентдаги маркази билан бирга ёшларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантиришга йўналтирилган махсус дастур асосида ташкил этилди.

Ҳозиргача республика олий таълим муассасаларида иқтисодиёт йўналиши бўйича таҳсил олаётган эллик нафарга яқин йигит-қиз малака ошириб, сертификат соҳиби бўлди.

## Бевақт узилмасин бирор япроғинг...

***Нью-Йоркдаги осмонўпар биноларнинг лаҳзалар ичида кунпая-кун бўлиши, Норд-Ост театридаги фожиа, Тошкентдаги портлашлар ва улардаги бегуноҳ қурбонлар — ҳамма-ҳаммаси ҳали кўз ўнгимиздан кетгани йўқ эди. Кутилмаганда Шимолий Осетияда яна бир мудҳиш фожиа рўй берди.***

Сиз жондан азиз фарзандингизни оқ ювиб, оқ тараб, не-не ширин орзулар билан мактабга жўнатсангиз-у, у мактабда ёвузлар қўлида тилка-пора қилинса, нажот истаб югураётганида елкасидан ўқ еб тупроққа қорилса, қандай ҳолга тушасиз?!

Беслондаги телемухбирнинг хабар беришича, «Тез ёрдам» машиналар ҳозир ҳам кечалари тиним билмаётган экан. Унга муҳтожларнинг аксарияти фожиани юрагини ҳовучлаб кузатган ота-оналар экан...

Жаҳон тасвирий санъатида фаришталар ҳамиша болалар қиёфасида тасвирланган. Ҳақиқатан ҳам, болалар Худонинг заминга йўллаган фаришталари эмасми?!

Ёвузқалб террорчилар эса гулдан-гулга қўнувчи капалаклардай бокира қалбларни беаёв суръатда ўққа тутдилар, яраладилар, бемисл даҳшат гирдобида қийнадилар.

Бу даҳшат, бу разолат, бу қабоҳатни телеэкранлар орқали бутун жаҳон кўриб турди!

У разиллар — террорчиларнинг сиғинган пешволари, қўлловчи раҳнамолари кимлар?! Шунчалик жирканч қилмишдан кейин уларнинг ер юзида яшашга ҳақлари борми?!

*Огоҳлик*

Шу кунларда ишхонада, ўқиш жойларида, жамоат жам бўлган масканларда ҳамма, бир-биридан «Россиядаги фожиаларни кўрдингизми, одамнинг юраги орқага тортиб кетади-я» деб ўзаро фикр алмашади. Бундай аянчли ва фожиали манзараларни экран орқали кузатишнинг ўзи изтиробли. Қабрлар устига ёзилган муваққат тахтачаларда 1998-2004 каби рақамлар битилган. Одамнинг юраги увишиб кетади. Ахир бу совуқ қабрга кирган гўдак, чақалоқ яна кўп йиллар яшашга, бу дунёнинг неъматларидан баҳраманд бўлишга, бунёдкорлик иншоотлари яратишга ҳақли эди-ку! Нега мурғак вужуднинг жони бевақт узилди. Ота-она орзуси қора тупроққа кўмилди?!

Жафокаш, аламдийда Россия халқига дунёнинг барча бурчакларидаги эзгу ниятли эллар ҳамдардлик билдирмоқда. Кеча телеэкранда кўрдик: италянлар қўлларида милтиллаган шам билан сукут сақлаб, ўз бирдамликларини изҳор этишди. Яна кўплаб мамлакатларнинг фуқаролари ҳар қандай ёрдамга тайёр эканликларини маълум қилдилар. Ота-она меҳри нима эканлигини, фарзанд доғи нечоғлик аламли бўлишини ўз танасида ҳис этган ўзбеклар эса бу фожиани кўнгилларига қаттиқ олдилар. Ахир, жаҳон урушининг оловли ўчоқларидан турли миллат болаларини ўз юртига олиб келиб, бағрига босган ўзбек эмасмиди?! Ўзи ҳам, сўзи ҳам, кундалик ҳар бир ҳаракати ҳам эзгуликни кўзлаган халқимиз бу дардни юрагига қабул қилди. Мусичага ҳам озор бермайдиган ўзбек бундай фожиа сабабчиларига қаҳрга тўлиб, чексиз нафратини билдирмоқда.

Эҳ, қани энди гап билан бу мунофиқ жангарилар йўлига тўсиқ солиб бўлса! Уларга сўзнинг ўзи хайф! Террор ва қабоҳатни ҳеч нарса билан ювиб бўлмайди! Шунинг учун ҳам ҳаммамиз ҳар қадамда, ҳар лаҳзада ҳушёрликни оширишимиз керак! Токи бизнинг осойишта турмушимизга ҳеч ким раҳна сололмасин! Токи бу ёвуз кимсалар ўзларига жазо муқаррарлигини англаб етсин!

Ҳали ҳаёт иморига тўймаган юзлаб гўдакларнинг тобутлари кўтарилмоқда... Телеэкранлар орқали бутун жаҳон аҳли бу беадад мусибатнинг шоҳиди бўлмоқда... Ўзини инсон саначанларнинг кўзларида ёш ҳалқаланди!.. Бу кўз ёшлар бўғиздаги аламни, юракдаги нафратни энг кескир қиличлардек тоблаши табиий!

**Мирпўлат МИРЗО,**
**шоир.**

